

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILIMY-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК АНТРОПОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХШУНОСЛИГИ

Сулайманов Амалиддин Нурбоевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Гулистон давлат университети,
Гулистон шаҳри, Ўзбекистон

Жаҳон миқёсида, антрополог олимлар жамоаси ўртасида туркий тилли халқларнинг минтақа (Марказий Осиё)да вужудга келиши, унинг тарихига бўлган қизиқиш ҳар доим долзарб масалалардан бўлиб келган. Тарихнинг турли даврларида тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган ўрганишлар асосида бой фактик материаллар тўпланиб, антропологик материаллар базасини ташкил этмоқда. Аммо антропологик тадқиқотларни ташкил қилиш методикасининг етарли даражада шаклланмаганлиги, соҳанинг айрим мутахассислари томонидан антропометрик ўлчов методларини тўғри қўлланилмаганлиги сабабли, бу материаллар ҳар доим ҳам туркий тилли халқлар тўғрисида тўлиқ тасаввур бера олмас эди.

Лекин шуни қайд этиш керакки, туркий тилли халқлар, бир қисми минтақада қадимдан яшашган, бошқа қисми эса минтақага кечроқ тарқалиб, маҳаллий аҳолининг таъсирига тушган турли этник гуруҳларнинг кўп асрлик ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган. Бу омиллар ўз навбатида, минтақанинг лингвистик ва этник хариталарини ўзгартириб юборган. Маълумки минтақа аҳолисининг асосий қисми ҳозирги пайтда туркий тилларда сўзлашади.

Биз мазкур мақоламизда Ўзбекистон антрополог олимлари томонидан қардош халқимиз, қорақалпоқларнинг антропологияси ва этник тарихини ўрганиш бўйича амалга оширган тадқиқотлари тарихи ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз. Мамлакатимиз соҳа олимлари бу масалани ёритишда умумий антропологик ва этник манзарани юзага келтириб олиш ва қиёсий таҳлилни амалга ошириш учун юқорида айтиб ўтган, турли даврларда вужудга келган ёзма ва моддий маълумотларга мурожаат қилишларига тўғри келган. Ўтган асрнинг 20 йилларидан вужудга келган ва минтақамиз ҳудудларида антропологик тадқиқотларини олиб борган ўзбекистонлик антрополог олимлар, XX асрнинг 40 йилларидан, яъни 1946 йилдан бошлаб қорақалпоқ халқининг антропологик таркибини тадқиқ қилишни бошлашган. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадқиқотларда, антрополог олима

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANIWI, TARIYXNAMASI HAM TARIYXINIŃ AKTUAL MASELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ ILMYU-TEORIYALIQ KONFERENCIYA MATERIYALLARI

В.Я.Зезенкова қорақалпоқларнинг икки гуруҳини, Қорақалпоғистонда 86 нафар эркак ва 139 нафар аёлни ва Фарғона водийсида 85 нафар эркак ва 115 нафар аёлни ўрганган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу пайтгача Москва давлат университети профессори, антрополог олим А.И.Ярхо ҳам қорақалпоқларнинг антропологиясига оид материалларни тўплаган. Барча материаллар илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, олинган натижалар Хоразм археологик-этнографик экспедицияси асарларида чоп қилинган [Ярхо: 585]. Мазкур маълумотларга кўра, қорақалпоқлар ўлчов ва тавсифий компонентлари бўйича қозоқлар ва Хоразмнинг европеоид ўзбеклари ўртасида оралиқ ўринни эгаллаши аниқланган [Ошанин: 30].

Тўпланган барча материаллар Ўзбекистонда антропология фанининг вужудга келиши ва ривожланишида улкан ҳисса қўшган, соҳанинг етук мутахассиси Л.В.Ошанин томонидан таҳлил қилинади. Антропологик таҳлил, қорақалпоқлар асосини ўрта аср қипчоқ қабилалари ташкил этишини кўрсатган ҳамда ўрта асрлар Хоразм аҳолиси, қорақалпоқларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиши аниқланган [Ошанин: 30]. Антропологик маълумотлар асосида олим, айни вақтда Каспийорти номи билан аталган узун бошли европеоид ирқининг оз сонли вакиллари ҳам қорақалпоқлар таркибига кирганлиги ҳақида фикр билдириб ўтган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, водийдаги қорақалпоқлар таркибида Қорақалпоғистон қорақалпоқларига қараганда, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқининг кўпгина белгилари мавжудлиги аниқланган. Фарғонанинг қорақалпоқ аёллари Қорақалпоғистон аёлларига нисбатан камроқ мўғулийлашган [Зезенкова: 59]. Ўтган асрнинг 90 йилларида қорақалпоқ халқининг антропологияси ва этник тарихига оид тадқиқотлар давом эттирилди. Н.Рисназаров, Г.Л.Хитъ, Т.К.Ходжайов, Г.К.Ходжайоваларнинг тадқиқотлари натижасида қорақалпоқ халқининг антропологияси ва этник тарихига боғлиқ кўплаб масалалар ҳал этилди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон антропологларининг қорақалпоқ халқи этногенези муаммоси бўйича асосий хулосалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ярхо.А.И. Антропологические типы каракалпаков // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. I. – М., 1952. – С. 585.
2. Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов в свете данных антропологии. – Т., 1953. – С. 30.
3. Зезенкова В.Я. Материалы по антропологии женщин различных племен и народов Средней Азии. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1953. – С. 59.